

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Худудий электр тармоқлари” АЖ  
Барча овоз берувчи оддий акциялари  
Ягона акциядорининг  
2025 йил 22 январдаги  
1-сонли қарори билан**

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ ТАРТИБИ  
ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Тошкент – 2024 йил**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	<b>3</b>
<b>II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....</b>	<b>3</b>
<b>III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....</b>	<b>4</b>
<b>IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ МАНБААЛАРИ .....</b>	<b>5</b>
<b>V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ ТАРТИБИ ВА МИКДОРИ.....</b>	<b>5</b>
<b>VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛОВЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ.....</b>	<b>8</b>
<b>VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....</b>	<b>8</b>

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда Низом) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3202-сон Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятнинг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 464-сон қарорига ва “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг (кейинги ўринларда Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Низом Жамиятнинг акциядорларининг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарори билан тасдиқланади ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарорлари асосида амалга оширилади.

## **II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР**

2. Ушбу қоидада қўйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

**Кузатув кенгаши** – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Жамият Уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

**Кузатув кенгашининг аъзолари** - Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда

Акциядорларнинг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) томонидан уч йил муддатга сайланадиган шахслардир.

**Кузатув кенгашига давлат улуши бўйича тайинланган (сайланган) аъзолар** - Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Жамият устав капиталидаги давлат улуши бўйича сайланган Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматчилари ва давлат иштирокидаги корхоналар вакиллари бўлган шахслар.

**Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси** - Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган тартиб ва қоидалар асосида Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган (тайинланган) шахслар.

**Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига тўланадиган ҳақ** – Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ва (ёки) кузатув кенгашининг мустақил аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаш учун тўланадиган тўловлар.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори** - Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

3.1. Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига ҳақ тўлаш мезонлари куйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этиши;
- йил охирида мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра;
- Жамият йиллик Бизнес режасининг асосий қўрсаткичларини бажарилиши.

3.2. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда Жамият Акциядорларининг умумий

йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарори билан қўшимча мезонлар ҳам белгиланиши мумкин.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ МАНБАЛАРИ**

4.1. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига мукофот тўлаш манбалари Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобланади.

4.2. Мазкур Низомга мувофиқ Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига тўланадиган мукофот тўғрисидаги маълумотлар амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан белгиланган тартибда ошкор қилинади.

#### **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛАШ МИҚДОРИ ВА ТАРТИБИ**

5.1. Жамият Кузатув кенгашига тайинланган мустақил аъзолар учун йиллик мукофотнинг энг кўп миқдори уларнинг ҳар бирига 100 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўланади.

5.2. Мазкур Низомнинг 5.1.-бандида белгиланган ҳақ тўлаш миқдори Кузатув кенгашининг айрим мустақил аъзоларига нисбатан қўйидаги асослар бўйича камайтирилиши (шу жумладан нол миқдоригача) ёки тўланмаслиги мумкин:

- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгашининг мажлисларининг 50 фоизидан кўпида иштирок этиб, лекин барчасида (100 фоиз) иштирок этмаган бўлса, мукофот миқдори 25 фоизга камайтирилади;
- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисларининг 50 фоизидан кўпроғида қатнашмаган бўлса, мукофот тўланмайди;

Шу билан бирга, Кузатув кенгашининг мажлислари бевосита иштирок этиш ёки сиртдан мажлислар ўтказиш йўли билан, шунингдек видеоконференц алоқа ва телефон алоқаси орқали ўтказилиши мумкин.

5.3. Белгилаб қўйилсинки, Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг Кузатув кенгаши мажлисларида ва ишида иштирок этиши билан боғлиқ

харжатлар, шу жумладан авиаchimpалар ва тураг жой (мехмонхона) Жамият ҳисобидан Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси билан тузилган шартномада ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

5.4. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланган тақдирда ҳар бир Кузатув кенгаши мустақил аъзосига ўз вазифасини бажарган муддат учун мутаносиб равишда, уларнинг Кузатув кенгаши мажлисларидағи иштирокидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўланади.

5.5. Мазкур Низомнинг 5.1.-бандида белгиланган мукофот тўлаш миқдори, Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келган бошқа сабабларга кўра ёки Кузатув кенгашининг айрим мустақил аъзоларининг айби билан қонунчиликни бузилиши ҳолатлари вужудга келса ҳам Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарори билан камайтирилиши (шу жумладан берилмаслиги ҳам) мумкин.

5.6. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига ҳақ тўлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамиятга ҳар уч ойда бир марта, лекин ҳар уч ойлик муддат тугаганидан кейин ўн беш (15) кундан кечиктирмай ҳисобварақ-фактураларни тақдим этади;

- Жамият тўловларни Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг мазкур Низомнинг 5.1-бандида қайд этилган миқдорида ҳисобварақ-фактураларни ва бошқа зарурӣ ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичida тўлайди.

5.7. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига ҳақ тўлаш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда солиқ солишини ҳисобга олган ҳолда тегишли маблағларни уларнинг шахсий ҳисобварақларига ёки уларга хизмат кўрсатувчи банкларда очилган пластик карточкаларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5.8. Кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реквизитлари улар билан тузилган шартномага кўра белгиланади.

5.9. Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмаси Кузатув кенгаши мустақил аъзоларнинг мажлисларида иштирок этиши ҳисобини юритади ва Жамиятнинг Марказий бухгалтерия ва молия бошқармаси Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига ҳақ тўлаш учун маълумотларни тақдим этади.

5.10. Шу билан бирга, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарори билан Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига:

Кузатув кенгаши раиси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун – шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

Кузатув кенгаши қўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун - шартномада белгиланган йиллик мукофот миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорида қўшимча мукофот тўланиши мумкин.

5.11. Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича тайинланган (сайланган) аъзоларига (Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматчилари ва давлат иштироқидаги корхоналар вакиллари бўлган шахсларга) Кузатув кенгашларидағи фаолияти учун ҳақ тўланмайди.

Бунда, Хукуматнинг тегишли қарори билан Кузатув кенгашига давлат улуши бўйича тайинланган (сайланган) Давлат хизматчилари ва давлат иштироқидаги корхоналар вакиллари қилинадиган тўловлар бўйича қўйилган чекловлар Хукумат томонидан бекор қилинган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзоларига тўловларнинг амалга оширилиши мумкин.

5.12. Кузатув кенгаши аъзолари шу жумладан мустақил аъзолари ҳам Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамиятнинг ижроия органи раҳбари номига мукофот олишни рад этиш тўғрисида ариза юбориш орқали ушбу Низомда назарда тутилган мукофотни тўлиқ ёки қисман олишдан бош тортиши мумкин.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МУСТАҚИЛ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТҮЛОВЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ**

6.1. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоларига тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси солик қонунчилигига белгиланган тартибда солиққа тортилади.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

7.1. Мазкур Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши (барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядори) қарори билан тасдиқланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунча амал қиласди.

7.2. Мазкур Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.3. Агар ушбу Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва (ёки) Жамият Уставига зид бўлса, улар ўз кучини йўқотади ва мазкур ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва (ёки) Жамият Уставига амал қилинади.